



КЎКРАК ҚАФАСИ ЁПИҚ ТРАВМАЛАРИДА ТРАХЕЯ ВА БРОНХЛАР ШИКАСТЛАНИШИНИНГ КЛИНИКО-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Низамов Жалолиддин Насриддинович

*РСТЭИАМ Навоий филиали суд тиббий амбулатория бўлими 2-тоифали
Давлат суд эксперти, мустақил изланувчи. Ўзбекистон, Навоий шаҳри.*

Шаропов Шавкат Бекбоевич

РШТЁИМ НВФ 2-хирургия бўлими 1-тоифали уролог шифокори. Навоий шаҳри.

Махмудов Шахзод Ўктамович

Самарқанд Давлат тиббиёт университети 2-сон даволаш иши йўналиши 4-курс талабаси. Самарқанд шаҳри.

Аннотация: *Мазкур мақолада ёпиқ кўкрак қафаси травмалари таркибида трахея ва бронхлар шикастланишининг клинико-морфологик хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳалок бўлган шахслар мисолида трахеобронхиал тузилмаларда кузатиладиган морфологик ўзгаришлар, уларнинг шаклланиш механизмлари ҳамда ҳаёт учун хавфли асоратлари ўрганилган. Суд-тиббий экспертиза материаллари асосида олинган натижалар трахея ва бронхлар жароҳатини аниқлашда мақсадли морфологик текширувнинг аҳамиятини кўрсатади ҳамда эксперт хулосаларининг ишончлилигини оширишга хизмат қилади.*

Калит сўзлар: *ёпиқ кўкрак қафаси травмаси, трахея, бронхлар, трахеобронхиал комплекс, суд-тиббий экспертиза, автомобиль травмаси.*

КИРИШ

Ёпиқ кўкрак қафаси травмалари замонавий травматология ва суд-тиббий амалиётда энг оғир ва ҳаёт учун хавфли шикастланишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, йўл-транспорт ҳодисалари, баландликдан йиқилиш ва кучли механик зарбалар натижасида ушбу турдаги жароҳатлар тез-тез учрайди.

Кўкрак қафаси органлари — ўпка, юрак, йирик қон томирлар билан бир қаторда трахея ва бронхлар ҳам ташқи механик таъсирга сезгир ҳисобланади. Трахеобронхиал шикастланишлар нисбатан кам учрашига қарамасдан, ўта оғир клиник кечишга эга бўлиб, кўп ҳолларда ўткир нафас етишмовчилиги, массив қон кетиши, аспирация ва тез ўлим билан якунланади.

Суд-тиббий экспертиза амалиётида трахея ва бронхлар шикастланиши кўпинча иккинчи даражали деб баҳоланиб, етарлича чуқур текширилмайди. Бу эса ўлим сабабини нотўғри талқин қилишга олиб келиши мумкин. Шу боис ушбу тузилмалар шикастланишининг клинико-морфологик хусусиятларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади

Ёпиқ кўкрак қафаси травмаларида трахея ва бронхлар шикастланишининг клинко-морфологик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг шаклланиш механизмларини таҳлил қилиш ва суд-тиббий экспертизада ташхис қўйиш аниқлигини ошириш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳалок бўлган 284 нафар шахснинг суд-тиббий экспертиза материаллари таҳлил қилинди. Уларнинг 215 нафари пиёдалар, 69 нафари эса автомобиль ҳайдовчилари бўлган.

Экспертиза жараёнида қуйидагилар ўрганилди:

- кўкрак қафаси суяк тузилмаларининг ҳолати;
- ўпка, медиастинум ва ўпка илдизларидаги қон қуйилишлар;
- трахея ва бронхлар деворининг бутунлиги;
- трахеобронхиал тузилмаларда инфильтрация, ёрилиш ва ажралиб кетиш ҳолатлари.

Морфологик баҳолаш макроскопик усулда амалга оширилди, шикастланишлар локализацияси ва оғирлик даражаси аниқланди.

Натижалар

Тадқиқот натижаларига кўра, кўкрак қафаси ёпиқ травмалари кўпинча бош, кўкрак ва қорин соҳаларининг қўшма жароҳати таркибида кузатилди.

Кўкрак қафаси органлари томонидан қуйидаги морфологик ўзгаришлар аниқланди:

- медиастинум ва ўпка илдизларида кенг тарқалган қон қуйилишлар;
- трахея ва асосий бронхлар деворида шиш, қон билан шимилиш (инфильтрация);
- айрим ҳолларда трахея ва бронхлар деворининг қисман ёки тўлиқ ёрилиши.

36 ҳолатда трахеобронхиал шикастланишлар юрак, перикард ва йирик қон томирлар жароҳати билан биргаликда аниқланган. Бу ҳолатлар ўта оғир кечиб, тез ўлимга олиб келган.

Муҳокама

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, кўкрак қафасига юқори энергияли механик таъсир кўрсатилганда трахея ва бронхлар тузилмалари жиддий шикастланади. Кучли сиқилиш, кескин тезланиш ёки тормозланиш натижасида трахеобронхиал тузилмада чўзилиш ва узилиш механизми юзага келади.

Бундай шикастланишлар клиник жиҳатдан қон кетиши, аспирация ва ўткир нафас етишмовчилиги билан намоён бўлиб, шифохонагача бўлган босқичдаёқ ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Суд-тиббий жиҳатдан эса ушбу шикастланишларни аниқлаш ўлим танатогенезини тўғри баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса



1. Кўкрак қафаси ёпиқ травмаларида трахея ва бронхлар шикастланиши нисбатан кам учраса-да, ҳаёт учун ўта хавфли оғир тан жароҳати ҳисобланади.
2. Трахеобронхиал шикастланишлар кўпинча қўшма жароҳатлар таркибида кузатилиб, ўлимнинг бевосита сабабларидан бири бўлиши мумкин.
3. Суд-тиббий экспертиза жараёнида трахея ва бронхларни мақсадли ва чуқур текшириш ўлим сабабини аниқлашда хатоликларни камайтиради.
4. Олинган натижалар суд-тиббий амалиётда морфологик текширув тактикасини такомиллаштиришга хизмат қилади.